

**АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ
АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ
Ахборот-библиография бўлими**

**2017 йил 1 чорак учун
Янги нашрлар бюллетени**

Фарғона – 2017

Сёсат

1. 66.3(5У) Х72

Холиқов Э. Миллий ғоя ва мафкура - ижтимоий тараққиёт омили : монография / Э. Холиқов; Ред. А. Йулдошев. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 128 б. – Библиогр. 200 экз.

Мазкур монографияда миллий ғоя ва фуқаролик жамияти тамойиллари, ёшлар маънавиятининг мамлакат тараққиётидаги ўрни, глобаллашув жараёнида мафкуравий таълимнинг аҳамияти каби масалалар тадқиқ қилинган. Шунингдек, маънавий таҳдидлар, миллий ўзликни англаш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш методологияси, ёшлар тарбиясида миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни сингари долзарб мавзулар ёритилган.

2. 66.3 Б99

Бўронов, М. Миллий ғоя тарғиботини ташкил қилиш масалалари / М. Бўронов; муҳаррир К. Куранбоев. – Тошкент : Маънавият, 2015. – 32 б. 1300 нусха.

Ушбу рисолада миллий ғояни тарғиб қилиш масалалари, уни ташкил қилишнинг ўзига хос усуллари, тарғибот турлари ҳақида сўз юритилган. Рисолада таълим муассасаларида ўтиладиган фанлар ва бошқа тадбирларда миллий ғояни тарғибқилишга оид мисолларга кенг ўрин берилган. Бу эса таълим-тарбия соҳасида иш олиб бораётган мутахассислар, устоз-педагоглар учун ёшларни миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялашда методик ёрдам бўлади.

Иқтисод

3. 65.9(5У) Т29

Ташпулатов А. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмлари : монография / А. Ташпулатов, А. Хожаев; Ред. Д. К. Қудбиев. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 128 б. – Библиогр. 200 экз.

Монографияда иқтисодийнинг асосий соҳаларидан бири - кичик бизнес субъектлари фаолиятини инновацион ривожлантириш, унинг ўзига хос жиҳатлари, инновацион тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш механизмлари, тадқиқотлар асосида аниқланган соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилишга доир масалалар юзасидан илмий-амалий тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқилган.

Педагогика

4. 74.0(5Ў) М92

Мухитдинов М. М. Статьи, выступления и интервью по науке, образованию и подготовке кадров = Илм-фан, таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича мақолалар, интервьюлар ва чиқишлар / М. М. Мухитдинов; Ред. Ж. Исакулов. – Тошкент : Niso Poligraf, 2016. – 359 с. – Библиогр. 200 экз.

Самые актуальные, сложные вопросы и проблемы реализации реформ высшего и среднего специального образования, развития научных исследований заставляли нас генерировать новые решения, направленные на интенсификации реформ. В этом плане, анализируя опубликованные статьи, выступления и диалоги с журналистами, приходишь к выводу, что многие из них могут быть интересными, полезными и сегодня.

5. **74.261**
P33

Perelman, Yakov Isidorovich. Qiziqarli matematika : Matematikaga doir hikoyalar va jumboqlar / Y. I. Perelman; Ред. J. Ikromov, Пер. А. Т. Хожанов. – Toshkent : Sharq, 2010. - 176 b.: рис. 3000 экз.

Я. И. Перелманнинг бу китоби муаллифнинг математикага доир қизиқарли масалаларга бағишланган машҳур китоблари орасида энг оммабопидир.

6. **74.262.21**
T88

Turdaliyev S. 9-sinf uchun algebradan test materiallari : umumiy orta ta'lim maktablari matematika o'qituvchilari uchun uslubiy qo'llanma / S. Turdaliyev, H. Hamroqulov; Тақр. А. О'rinov. – Farg'ona : Farg'ona, 2016. – 48 b.1000 экз.

Услубий ўқув қўлланма 9-синф алгебра дарслигининг ҳар бир бобида оид иккита вариантда тест топшириқлари берилган. Бу тест топшириқларидан ўқувчиларнинг олган билимларини текшириш ва аниқлашда фойдаланиш мумкин.

7. **74.03(5Ў)**
F29

Гофуров О. Ибрат соҳиби : Профессор Аҳмадали Гофуровнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти тўғрисида / О. Гофуров, С. Гофурова, О. Тожибоев; муҳаррир С. Мўминов. – Фарғона : Фарғона, 2017. – 208 б. 500 нусха.

Ушбу рисолада 90 ёшни қаршилаётган таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, уруш ва меҳнат фахрийси Аҳмадали Гофуровнинг ҳаёт йўли, илмий-педагогик фаолияти ҳақидаги суҳбатлар, ҳамкасблари, шогирдлари, дўстлари ва яқинларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Аналитик химия

8. **24.4ya722**
G54

Giyasov A. Sh. Kimyoviy analiz : O'quv qo'llanma / A. Sh. Giyasov, M. A. Ziyayeva, Sh. F. Xodjayev. – Toshkent : Faylasuflar, 2014. – 208 b. 302 экз.

Ўқув қўлланма касб-хунар коллежларининг кимёвий анализ дастури асосида тузилган ва унда мазкур фаннинг назарий асослари ҳамда ҳозирги материалларни эътиборга олиб ёзилган.

Общее машиностроение. Ядерная техника. Электротехника. Технология машиностроения в целом

9. **31.3**
A35

Азизов Д. Основы холодильной техники и технического обслуживания холодильных систем : руководство для технических специалистов-холодильщиков / Д. Азизов; Рец. К. Ф. Каримов, Ф. Ф. Закиров. – Ташкент : Baktria Press, 2017. – 176 с.: рис., табл., фото.цв.. – Библиогр. 500 экз.

Данное издание является практиче- ским руководством, в котором кроме прак- тических рекомендации по холодильной технике и техническому обслуживанию холо- дильных систем также изложены понятия о защите озонового слоя Земли, причинах его истощения, а также дана теория получения искусственного холода. Все процессы и явления в пособии преподносятся в упрощенном виде, чтобы быть доступными для понимания как можно большему числу возможных читателей.

10. **31.3**
A35

Азизов Д. Советиш техникаси ва советиш тизимларига хизмат кўрсатиш асослари: советиш тизимларининг техник ходимлари учун қўлланма / Д. Азизов; Рец. К. Ф. Каримов, – Тошкент : Voris-nashriyot, 2016. – 176 б.: рис., табл., фото.цв.. – Библиогр. 450 нусха.

Ушбу нашр амалий қўлланма бўлиб, унда советиш техникаси ва советиш тизимларига хизмат кўрсатиш амалий кўрсатмалардан ташқари Ернинг озон қатлами ҳақида тушунча, унинг емирилиш сабаблари, ҳамда совуқлик олиш назарияси тўғрисида маълумотлар берилган.

Тилшунослик

11. **81.2**
T49

Тил назарияси ва амалиёти : тил назарияси фанидан амалий машғулотлар учун ўқув-услубий қўлланма / М. Ҳақимов, М. Зокиров, С. Зокирова; Муҳаррир А. Нурмонов. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 208 б. – Библиогр. 200 экз.

Ўқув-услубий қўлланма тилшуносликнинг асосий муаммолари ҳақида бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигидаги асосий йўналишлар ҳақида кенг маълумот беради. Шу билан бирга, тилшуносликнинг анъанавий ҳамда замонавий тармоқларига таалуқли бўлган назарий масалалар қамраб олинган.

Адабиёт. Адабиётшунослик

12. **83.3(5Ў)7**
C52

Сиддиқлик саодати : Сиддиқ Мўмин замондошлари нигоҳида / Муҳаррир Й. Солижонов; Тузувчилар М. Сулаймонов, М. Мамажонов. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 163 б. 100 экз.

Ушбу рисолада таниқли тилшунос олим ва шоир - филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Мўминов Сиддиқжон Мирсобировичнинг илмий - педогогик, ижодий фаолияти ҳақидаги устозлари, ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари ва яқинларининг эътибор, эътироф ва эҳтиромлари баён этилган.

13. **83.3(5Ў)7**
C77

Солижонов Й. Эркин ўғлингман, Ватан! : Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов портретига чизгилар / Й. Солижонов, С. Мўминов. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 40 б. 1000 экз.

Мазкур рисола филология фанлари докторлари, профессорлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Йўлдош Солижонов ва Сиддиқжон Мўминовлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида" ги қарорига жавобан яратилган бўлиб, унда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодининг янги қирралари, ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритилади.

14. **83.3(5Ў)**

Т59

То қуёш сочгайки нур : Эркин Воҳидов: ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида / Муҳарир И. Ғафуров, Тўпл. Р. Мирвоҳид, Т. Мирзаев. – Тошкент : O'zbekiston, 2016. – 512 б. 3000 экз.

Ўтган асрнинг 1952-1954 йилларидан бошланган Эркин Воҳидов ижоди ўзининг ранг-баранг мавзулари, жанрлари, поэтик шакллари, стилистик эътиборли ўзига хосликлари, ғоявий-мундарижавий йўналишлари, жуда бой бадиий хусусиятлари билан халқ ичига теран илдиз отиб кирди. Кейинги олтмиш йил ичида бу томирлар она Ер бағрида юксалиб, куч-қудратга тўлди. Мазкур китобда эл ардоқлаган шоир Эркин Воҳидов ҳаёти, ижодий қиёфаси ҳақида таассуротлар, талқинлар, таҳлиллар, тадқиқотлар жамланган.

15. **83.3(5Ў)6****Ш26**

Шарафиддинов О. Оламнинг қалби : Ёҳуд китоб менинг тақдиримда / О. Шарафиддинов ; Муҳаррир. Р. Қўчқор. Ташкент : Маънавият, 2014. – 264 б. 5000 экз.

Ушбу тўпламда китоб, унинг инсоният тамаддунидаги ўрни ва аҳамияти, китобга муносабати, китобхонлик маданияти жамланган.

Бадиий адабиёт

16. **84(5Ў)7****М37**

Махматова Н. Саёҳатнома : шеърлар ва саёҳатномалар / Н. Махматова. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 56 б. 500 экз.

Назира Махматова икки тилда қалам тебратиб келаётган ижодкорлардан. Унинг тожик ва ўзбек тилларида чоп этилган бир неча тўпламлари аллақачон ўз муҳлисларини топган. Ушбу тўплам ижодкорнинг хориж ўлкалари, жонажон юртимиз бўйлаб қилган саёҳат таассуротлари, шукроналик руҳидаги фикрларидан ташкил топган.

17. **84(5Ў)7****Б88**

Ботир Д. Ишқий наволар : шеърлар / Д. Ботир. – Фарғона: Фарғона, 2016. – 56 б. 1000 экз.

Шеърятда ҳақ гапни айтиш, самимият ва ростгўйлик юксак бадият билан уйғунлашгандагина ўқувчи қалбига чуқур кириб боради - шоирнинг ички кечинмалари шеърхон кўнглига кўчади. Ана шу лаҳзаларда бадиий сўз қудрати намоён бўлади. Ушбу тўпламдаги шеърлар айнан мазкур хусусияти билан эътиборга сазовор.

18. **84(5Ў)7****В89**

Воҳидов Э. Инсон / Э. Воҳидов. – Тошкент : O'zbekiston, 2015. – 320 б. 3000 экз.

Ушбу сайланмага Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг турли йилларда яратган дилбар шеърларининг энг саралари жамланган.

19. **84(5Ў)7****В89**

Воҳидов, Эркин.

Тўла асарлар тўплами / Эркин Воҳидов

Т.3 Куз саховати. Бедорлик. Яхшидир аччиқ ҳақиқат. Табассум. – Тошкент : Sharq, 2016. – 344 б. 3000 экз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Тўла асарлар тўплами" 3-жилди "Куз саховати" деб номланиб, шеърлар, ҳажвий асарлар ва шеърий драмадан таркиб топган.

20. **84(5Ў)7**
В89

Воҳидов, Эркин.

Тўла асарлар тўплами / Эркин Воҳидов

Т.4 Қиш ҳаловати. Орзули дунё. Янги шеърлар. Дил тубига чўккан лаҳзалар. – Тошкент : Sharq, 2016. – 416 б. 5000 экз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Тўла асарлар тўплами" 4-жилди "Қиш ҳаловати" шеърлар, драма ва адабий мақолалардан тузилган.

21. **84**
Ж96

Жўраев Т. Яхши ҳаммага керак : хужжатли қисса / Т. Жураев; Муҳаррир М. Усмонова. – Фарғона : Фарғона, 2000. – 51 б. 1000 экз.

Ушбу китобни ўқиб, замон ва инсон ҳақида ўй сурасиз, тақдир яратиш учун тиниб-тинчиманган инсон фаолияти ҳақида мушоҳада қиласиз.

22. **84(5Ў)7**
И81

Исо Б. Муҳаммад Юсуф : дoston / Б. Исо; Муҳаррир Х. Бойбобоев. – Фарғона : Фарғона, 2014. – 47 б. 608 экз.

Ушбу дoston ўзига хос услубда, ўзгача меҳр билан ёзилган. Муҳаммад Юсуф ҳақида талай асарлар эълон қилинган.

23. **84(5Ў)7**
О-14

Обидов М. Мен кўрган дунё / М. Обидов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 292 б. 1000 экз.

Муҳаммаджон Обидовнинг "Мен кўрган дунё" китоби бўлғуси журналистлар учун амалий қўлланма бўлиши билан бирга, кенг китобхонларга мўлжалланган публицистиканинг ибратли намуналарини мужассам қилган.

24. **84(5Ў)7**
О-29

Одилов С. Шоир чорбоғидаги ҳангомалар : драмалар, ҳангомалар, шеърлар / С. Одилов. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 120 б. 1000 экз.

Таниқли драматург Сайдали Одилов қаламига мансуб ушбу тўпلامда, турли мавзудаги драмалар билан бир қаторда, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов билан боғлиқ ҳангомалар, ижтимоий мавзудаги шеърлар жамланган.

25. **84(5Ў)7**
П99

Пулатов Г. Херируд фарёди : ҳарбий дала қиссаси / Г. Пулатов. – Тўлд. нашри. – Тошкент : Наврўз, 2015. – 180 б. 2000 экз.

Херируд - Афғонистон ҳудудидан оққан дарё номи. Китобда баён этилган асосий воқеа ва жараёнлар шу дарё оқиб ўтган, тупроғи қонга булғаниб, ҳавоси ўқ дори ҳидига тўлган воқаларда кечганлиги учун ҳам мазкур асар "Херируд фарёди" деб номланди.

26. **84(5Ў)7**
С34

Сиддиқова Э. Сўз устидаги дунё : сайланма / Э. Сиддиқова. – Toshkent : ADIB, 2014. – 328 б. 3000 экз.

Шоира Энахон Сиддиқованинг ушбу тўпламига унинг она Ватан ва халққа муҳаббат, Истиқлолни шарафлаш, юрт озодлигини қадрлаш ва уни кўз қорачиғидек асраш, ишқ, вафо, табиат мавзусидаги сара шеърлари киритилди.

27. **84(5Ў)7**
Т39

Темирова О. Отамнинг уйи : шеърлар / О. Темирова. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 64 б. 1000 экз.

Ушбу тўпланда итеъодли шоира Ойдин Темированинг Ватан, табиат, ишқ мавзуларидаги сара шеърлари жамланган.

28. **84(5Ў)7**
Т91

Турсунов Б. Қалбимдаги дунё : шеърлар / Б. Турсунов. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 48 б. 1000 экз.

Ушбу тўпланда асл касби шифокор бўлган ижодкорнинг кўп йиллардан буён юрак қатларида беркиниб ётган дил изҳорлари жамланган.

29. **84(5Ў)7**
Х33

Хатамова М. Кўнгил туғени : шеърлар / М. Хатамова. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 56 б. 1000 экз.

Ушбу тўпланда Ватан, она, муҳаббат мавзуларидаги шеърлар жамланган. Ўзгача руҳ, ўзига хос талқин, такрорланмас ташбеҳларга бой мазкур кўнгил сатрлари барча шеърят мухлисларига манзур бўлади деган умиддамиз.

30. **84(5У)7**
Ҳ59

Ҳожиева Г. Жаҳон ичра жаҳоним : шеърлар / Г. Ҳожиева. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 40 б. 1000 экз.

Ёш ижодкор Гўзалхон Ҳожиева ўзбек ва тожик тилларида ижод қилади. Унинг шеърларида она Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат ва табиатга меҳр туйғулари тарафдан этилади.

31. **84(5Кирг)**
А39

Aytmatov C Jamila : qissa / C Aytmatov; Муҳаррир Ж. Матёкубов. – Тошкент : Ўзбекистон, 2015. – 87 б. 5000 экз.

Ушбу қиссада инсон бахти саодати, пок севги, она диёрга муҳаббат тасвирланган.

32. **84(2Рос)**
Ҳ24

Ҳамзатов Р. Умр қарвони : шеърлар / Р. Ҳамзатов; Муҳаррир А. Саъдулла. – Тошкент : Ўзбекистон, 2013. – 200 б. 3000 экз.

Ушбу тўпланда Расул Ҳамзатовнинг ўзбек тилига ўғирилган шеърларининг энг сара намуналари ҳамда “Менинг Доғистоним” ва бошқа асарлари ичига келган теран фалсафий фикрлари ва ҳаётий ҳикматлари асосида тузилган.

Тарих

33. **63.3(5Ў)**
А60

Амир Темур - буюк давлат арбоби : Республика илмий-амалий конференцияси материаллари / Муҳаррир Б. Усмонов; Тақр. Р. Арслонзода, А. Салмонов. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 168 б. 500 экз.

Ушбу тўплам Соҳибкирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий анжумани маърузаларидан иборат. Унда тарихий манбалар асосида, Амир Темур ҳаёти, саркардарлик фаолияти ва бошқарув маҳоратини ёритувчи тадқиқотлар ўрин олган.

34. **63.3(5Ў)**
Ж96

Жўраева М. Ўтмиш изтироблари ёҳуд истиқлол қадри : Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатдир" номли китоби уйғотган туйғулар / М. Жўраева; М. Жўраев; Тақр. Ф. Турғунбоев. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 32 б. 200 экз.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатдир" номли китобида айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза, келтирилган фактлар, умуман, асарнинг моҳият-мазмуни бугунги кун учун ғоят долзарб.